

ШАРТНОМА № 11

«14» 11. 2022 йил

Бағдод тумани

«MEAT - MARKET 21» МЧЖ номидан раҳбари Д.Актамов бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан «Ф.В. 2-сотиш. Наркисолаев Д.Исмаилов» номидан раҳбар «Шарипов Д.К.» низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Харидор» деб юритилади ва қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширганган сунг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

Т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдор и	Нархи	Суммаси	Суммаси ҚҚС билан
1	Картошка	кг	4500	4300	19350000	
2						
3						
4						
	Жами				19350000	

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси 19350000 (19 350 000) 19 350 000 сум.
(рақамлар, сзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.
- 3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро қилишилган ҳолда қушимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга қиргандан сунг товарни 1 (бир ой) муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос қилиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

- 6.1. Товарлар тўлиқ етказиб берилиши керак берилаётган товар қисман етказиб бермаса харидор яни бюртмачи уларни тўлиқ етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга ҳақли.
- 6.2. - Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:
 - Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
 - Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сунг, сифатли бўлмаган маҳсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.
 - «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.
- 7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:
 - «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномага ва қонун ҳужжатларида белгиланган б...

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолат ёзилиб 3(уч) кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.
- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-гар. бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.
- 8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган қисмидан 0.5 % микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома бажарилмаган қисмидан 50% дан ошмаслиги керак.
- 8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги махсулот берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % микдорида жарима тўлайди.
- 8.4 «Харидор» олинган товар учун туловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% микдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.
- 8.5 Текширув органлари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай ҳолатлар тегишлидир.
- 9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунида огохлантириши шарт.
- 9.3. Огохлантириш хати (почта) орқали юборилади.
- 9.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида хал қилинади.
- 10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.
- 10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «18» 11 дан 2022 йил «31» 12 гача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзоланганидан сўнг қонуний кучга қиради.

XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.
2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.
3. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йул қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.
Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради,
4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йул қўймайди:
 - а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиш, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;
 - б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш

...тини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчирш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка
...и хакикий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик
...дир килиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид килиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи
...арафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор килиши шарт.

5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация килиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат килувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга пул қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;
- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;
- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб килиш;
- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор килиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф килиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор килишга ҳамда зарарини тўлик қоплаб беришни талаб килишга ҳақли.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАР

«Сотувчи»

«Буюртмачи»

«MEAT – MARKET21» МЧЖ
Манзили: Бағдод тумани
Х/р: 20208000305359821001
АТ Ҳамкор банк Кукон ф.
МФО:00956_СТИР308288750
Тел:94 4958777

«Ф. В. 2-сонли Наркотиқлар инспекцияси»
Манзили: Бурғинча кўчаи 5/4
ШХР: 100021860304057073201054006
ИНН: 209800410 ОКНХ 31513
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Газначилиги ягона газна ҳисоб варағи
Газна х/р:23402000300100001010
Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар Бошқармаси ХККМ
МФО:00014 Газначилик булинмаси СТИРИ:201122919



Раҳбар: А. А. Ахтамов



Раҳбар: Шарифов А. Т.

Қўқуқшунса: Назаров И

“Тасдиқлайман”
Фарғона вилояти 2-сонли наркология
диспансери бош шифокори
А.К.Шарипов
14.11.2022 йил

Фарғона вилояти 2-сонли наркология диспансери ходимлари ўртасида ўтказилган
танлов комиссияси аъзоларининг йиғилиши

Б А Ё Н И № 21

«14» Ноябрь 2022 йил

Қўқон шаҳар

Катнашганлар: Фарғона вилояти 2-сонли наркология диспансери бош шифокори
А. К. Шарипов

Аъзолари:

Мажбурий бўлим мудирлари	Б.И.Срождинов
Ихтиёрий бўлим мудирлари	Д.Н.Абдуназаров
Бош ҳисобчи	А.Э.Сарғисян
Иқтисодчи	С.Арсланова
Бош хамшира	М.А.Хаитова
Кадрлар бўлими нозири	Г.К.Усманова
Хужалик мудирлари	З.В.Дехконова

К У Н ТАРТИБИ: 2022 йилда Фарғона вилояти 2-сонли наркология диспансерига 2022-2023 йиллар куз-киш озик-овкат маҳсулотлари захираси учун (эълонга жойлаштирилган) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги УРК-684-сонли қарорига асосан, Наркология ички танлов ўтказиш йули билан МЧЖ ташкилотларни аниқлаш орқали куз-киш озик-овкат маҳсулотлари захираси қилиш тугрисида танлов эълон қилинди.

Йиғилишни Фарғона вилояти 2-сонли наркология диспансери бош шифокор А.Шарипов сузга чиқиб, ҳурматли йиғилиш қатнашчилари Фарғона вилояти 2-сонли наркология диспансерига куз-киш озик-овкат маҳсулотлари захираси учун 04 ноябрь куниндаги чиққан лотга қурилиш ташкилотларидан 2 та ташкилот ҳужжатлари тақдим этилганлиги айтиб ўтди.

Сузга чиқди: иқтисодчи С.Арсланова, наркология диспансери учун 2022 йилда харажатлар сметасида 42.52.700 моддасида 27.362.000 сўм маблағ борлигини гапириб ўтди.

2-сонли Наркология диспансери ҳисоб рақамидан ажратилган маблағга бинони куз-киш озик-овкат маҳсулотлари захираси диспансернинг буюртмасига асосан, MEAT – MARKET21 МЧЖ, GOLD CENTURY 222 МЧЖ томонидан таклифлар берилган.

Муҳокама учун икки иш кунинда бошқа ташкилотлардан ҳеч қандай таклиф ёки этироз бўлмаган.

Таклиф берган МЧЖ ташкилотлар ичида ушбу захира учун юқорида айтиб ўтилган ташкилотларни иш жараёни сифатлилигини талабга жавоб бериши тугрисида танлов аъзоларини таништирди.

Диспансерга куз-киш озик-овкат махсулолари захираси учун шартнома тузишни сураб таклиф тушганлиги айтиб утди куйидагиларга алохида тухталиб утди.

Мазкур давогарлар томонидан таклиф этилган хизматлар сифати юкорилигини хисобга олиб, куйидаги ташкилот билан шартнома тузиш тугрисида уз таклифини билдирди.

MEAT – MARKET21 МЧЖ,

Сунги суз навбати наркология комиссияси аъзоси З.Дехконовага берилди. У уз сузида юкоридаги билдирилган фикирларга тула кушилиб мазкур

MEAT – MARKET21 МЧЖ, тугрисида гапирди хамда ишлар сифатлилигини танлов аъзолари тамонидан макулланди.

Танлов аъзолари бир фикирга келиб юкоридаги ташкилот билан шартнома тузилишини лозим топди.

Юкоридагиларга асосланиб йигилиш

ЙИГИЛИШ ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. 2-сонли Наркология диспансерига куз-киш озик-овкат махсулотлари захираси куйидаги ташкилотга MEAT – MARKET21 МЧЖ, танлов голиби деб хисоблансин.
2. 2-сонли Наркология диспансерида куз-киш озик-овкат махсулотлари захираси учун тегишли хужжатларни конунда белгиланган тартибда расмийлаштириш вазифаси диспансер бош хисобчиси А.Саргисян зиммасига юклатилсин.
3. Мазкур йигилиш баёнини ижросини назорат килишни уз зиммамда колдираман.

Йигилиш котибаси:



[Handwritten signature]

Н.Инамова

Комиссия аъзолари:

Мажбурий булим мудир:

[Handwritten signature]

Б.И. Срождинов

Ихтиёрый бўлим мудир:

[Handwritten signature]

Д.Н. Абдуназаров

Иқтисодчи:

С.С. Арсланова

Бош хамшира:

М.А. Хаитова

Кадрлар бўлими нозири:

[Handwritten signature]

Г.К. Усманова

Хужалик мудир:

[Handwritten signature]

З.В. Дехконова

